

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**182 «Тараққиёт учун озиқ-овқат» дастури доирасида
«Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинида аҳоли-
га тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга ва тез тиб-
бий ёрдам машиналарини жиҳозлашга кўмаклашиш» лойиҳа-
сини молиялаштириш тўғрисида**

«Тараққиёт учун озиқ-овқат» дастури бўйича Америка Қўшма Штатла-ри Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Битим дои-расида Ўзбекистон Республикасига берилган грантдан самарали фойдалани-лишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия ва-зирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Тараққиёт учун озиқ-овқат» дас-тури доирасида грант маблағларнинг фойдаланилмаган қисмини қайта тақ-симлаш ҳисобига Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинида аҳолига тиб-бий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга ва тез тиббий ёрдам машинала-рини жиҳозлашга кўмаклашиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб аталади) иловага* мувофиқ молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Грант маблағларнинг фойдаланилмаган қисми ҳисобига Лойиҳани мо-лиялаштириш масаласи АҚШнинг Қишлоқ хўжалиги департаменти томони-дан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғини муассасалари фаолиятини бошқариш ва мониторингининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шунингдек Сирдарё вилоятида ва Тошкент шаҳрида тез тиббий ёрдам маши-наларини қўшимча тиббий асбоб-ускуналар ва алоқа воситалари билан жи-ҳозлаш ҳисобига аҳолига дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш си-фатини ошириш Лойиҳанинг асосий йўналиши этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Тараққиёт учун озиқ-овқат» дастури доирасида тушган маблағларни жамлаш учун очилган махсус ҳисоб рақамидан Лойиҳанинг ўз вақтида мо-лиялаштирилишини таъминласин;

грант маблағларидан мақсадли фойдаланиш мониторингини амалга ошир-син.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Лойиҳани молиялаштиришнинг йил ва йил чораклари бўйича жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

мблағлардан мақсадли фойдаланилишини ва Лойиҳанинг амалга оши-рилиши тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масига ахборот тақдим этилишини таъминласин.

* Иловар берилмайди.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 4 апрель,
96-сон